

**АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР ТАНҚИСЛИГИ ВА УНИ ЕНГИБ ЎТИШ  
СТРАТЕГИЯЛАРИ: КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН  
ТАВСИЯЛАР**

**Қўчқаров Бахтиёр Хошимжанович**

мустақил тадқиқотчи

“Ипотека банк” АТИБ Наманган филиали бўлим бошлиғи

**Аннотация:** Мазкур мақолада айланма маблағлар етишмаслиги, унинг келиб чиқиш сабаблари ва мазкур муаммони самарали ҳал этиш йўллари ёритилган бўлиб, кичик бизнес субъектлари учун тавсиялар, жумладан айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш, активларни қайтадан тақсимлаш ва молиявий манбаларни жалб этиш йўллари ёритилган. Мақолада айланма маблағларни бошқаришда қўлланиладиган иқтисодий моделлар, шунингдек маблағлар айланиш коэффициенти, бир айланиш даври ва қўшимча молиялаштириш эҳтиёжи каби формулалар мисоллар билан келтирилган.

**Калит сўзлар:** айланма маблағлар, молиявий барқарорлик, маблағлар етишмовчилиги, дебитор қарзлар, захиралар, тўлов, сотув, молиявий режалаштириш, бошқариш.

**Кириш**

Кичик бизнес субъектлари мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисми ҳисобланади. Улар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг катта қисмини яъни 55-60 фоизини ташкил қилади ва янги иш ўринлари яратишда катта ҳисса қўшади. Бироқ, кичик бизнес субъектлари кўпинча молиявий ресурсларга етарлича эга эмас. Бу эса уларни айланма маблағлар танқислигига олиб келади. Айланма маблағлар танқислиги кичик бизнеснинг самарали ишлашини тўхтатиб қўйиши мумкин, бу эса келгусида уларнинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур мақолада айланма маблағлар танқислиги сабаблари ва уларни енгиб ўтиш стратегиялари кўриб чиқилади. Бунда биз қуйидаги

йўналишларни ўрганиб чиқамиз: айланма маблағлар танқислигининг сабаблари, ушбу танқисликни енгиб ўтиш учун стратегиялар, илғор мамлакатларнинг тажрибаси ва Ўзбекистон шароитида қўлланиладиган ўзига хос йўллари аниқлаймиз.

Кичик бизнес субъектларида айланма маблағлар танқислигига олиб келувчи бир қатор омиллар мавжуд. Бу муаммоларни тушуниш ва уларни енгиб ўтиш учун қуйидаги сабаблар таҳлил қиламиз:

1. Тушумлар камлиги ёки кечикиши.

Айрим ҳолларда кичик бизнес субъектларининг тушумлари мижозлардан қарзларни ўз вақтида ундириб ололмаслик ёки савдоларнинг паст бўлиши туфайли камаяди. Бу ҳолат айланма маблағлар етишмаслигига олиб келади. Агар корхона маҳсулот ёки хизмат сотувларида қийинчиликка дуч келса, тушум ҳажми камаяди. Бу эса корхона операцион харажатларини қоплаш учун етарли маблағ бўлмай қолишига олиб келади. Бундан ташқари корхона мижозларига товар ёки хизматларни муддатли тўлов асосида сотса, тушумни тўлиқ олиш учун анча вақт талаб қилинади. Муддатли тўлов шартлари баъзан узоқ вақтга чўзилиши мумкин ва бу корхонанинг даромад олишини кечиктиради. Бу вақт оралиғида корхона ўз харажатларини қоплаш учун етарли маблағга эга бўлмаслиги мумкин. Натижада ушбу операцион харажатларни қоплаш учун зудлик билан пул маблағларини топиш ёки қарз маблағларини жалб этиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса корхона харажатларининг ўз ўзидан ортишига олиб боради.

2. Дебиторлик қарзларининг ортиши

Мижозлардан қарзларни ўз вақтида ундирмаслик дебиторлик қарзларининг ортишига олиб келади. Бу айланма маблағларнинг вақтинча музлаб қолишига сабаб бўлади ва натижада бизнеснинг пули етишмайди. Агар мижозлар ўз қарзларини ўз вақтида тўламаса бу ҳам тушумнинг кечикишига сабаб бўлади. Кўпинча бу кичик бизнес субъектларига хос бўлиб, дебитор қарзлар тўланмаса айланма маблағ танқислигини юзага келтириб чиқаради. Дебитор қарзларининг

ортишининг асосий сабаблари шундаки, мижозлар турли сабабларга кўра ўз қарзларини ўз вақтида тўламасликлари мумкин, бу эса корхона тушумини кечиктиради. Муддатли тўловлар асосида сотилган товарлар ва хизматлар тушумнинг кечикишига сабаб бўлади, бу вақт оралиғида дебитор қарзлар ортиб бораверади. Бундан ташқари айрим мижозлар ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари ҳам мумкин, бу ҳам дебитор қарзларнинг умумий миқдорини янада оширади. Бундай ҳолатларда корхона дебитор қарзларини қай тарзда бошқаришни тўғри йўлга қўймаса ва уларни тезлик билан йиғиб ололмаса, бу айланма маблағларнинг камайишига сабаб бўлади. Мисол учун кўплаб қурилиш корхоналари кўп ҳолларда катта миқдордаги дебитор қарзларга дуч келадилар, чунки қурилиш лойиҳалари учун тўловлар иш якунлангандан кейин тўланади. Бироқ қурилиш материаллари ва ишчи кучи учун харажатлар давом этаверади, тушум эса кечикиб келади. Бу корхонанинг ликвидлик даражасини пасайтиради.

### 3. Нотўғри молиявий режалаштириш

Айрим кичик бизнес субъектлари молиявий режалаштиришни етарлича ўйламасдан амалга оширади, бу эса харажатларнинг нотўғри тақсимланиши ва айланма маблағларнинг нотўғри сарфланишига олиб келади. Бунга қуйидаги сабаблар бўлиши мумкин. Яъни харажатларни нотўғри прогноз қилиш, қарз ва мажбуриятларни нотўғри режалаштириш, қисқа ва узоқ муддатли режаларни мувофиқлаштирмаслик каби сабаблар натижасида юзага келади.

Корхоналар ўз фаолияти учун керакли харажатларни тўғри баҳоламаса, масалан материаллар, ишчи кучи ёки бошқа операцион харажатлар тўғри ҳисобланмаса, молиявий танқисликка олиб келади. Агар корхона ўз тушумларини ортиқча баҳо бериб, харажатларни кам баҳоласа, молиявий мувозанатсизлик юзага келади, бу айланма маблағларнинг етишмаслигига олиб келади. Қарз мажбуриятларини ва кредит тўловларини тўғри режалаштирмаслик, айниқса, юқори фоизли қарзлар бўйича тўловларни ҳисобга олмаслик, корхонанинг айланма маблағларига салбий таъсир қилади. Айрим корхоналар фақат қисқа муддатли мақсадларга эътибор қаратиб, узоқ муддатли

молиявий режаларни инобатга олмасликлари мумкин. Натижада узоқ муддатли харажатлар ёки инвестициялар учун етарли маблағлар бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари узоқ муддатли қарзлар билан молиялаштирилган қисқа муддатли активлар ҳам асосий сабаблардан бири ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг танқислиги юзага келадиган вазиятларни корхона мисолида кўриб чиқамиз. Мисол учун, биз “АБС Техника” деб номланган ўрта хажмдаги корхонани кўриб чиқамиз. Бу корхона қурилиш ускуналари савдоси ва хизмат кўрсатиш билан шуғилланади. Ҳар ойда корхона ўртача 100 млн.сўм миқдорида сотув амалга оширади, аммо охириги ойларда айланма маблағларнинг танқислиги билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди. Корхона ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида қисқа муддатли молиявий муаммоларга дуч келмоқда, бу уларнинг фаолиятини секинлаштириб юбормоқда. Биз ушбу ҳолатни ўрганиб чиқамиз ва таҳлил қиламиз.

Айланма маблағлар танқислигини енгиб ўтиш учун кичик бизнес субъектлари қуйидаги стратегияларни қўллаш мумкин:

**1. Молиявий бошқарувни такомиллаштириш.** Молиявий бошқарув айланма маблағларни самарали бошқаришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бундай бошқарувда асосий мақсад – маблағларни тўғри тақсимлаш ва мониторинг қилишдир. Бунинг учун корхона қуйидаги чораларни кўриши мумкин:

- бюджетлаштириш–айланма маблағларни режалаштириш ва уларнинг сарфланишини назорат қилиш.
- Молиявий ҳисоботлар ва таҳлиллар–айланма маблағларни бошқариш ҳолатини таҳлил қилиш ва мониторинг қилиб бориш.
- Харидлар сиёсати–зарур бўлмаган харидларнинг олдини олиш.

**2. Ҳисоб–китоб тизимини ислоҳ қилиш.** Айланма маблағларнинг танқислиги кўпинча дебитор қарзларнинг юқори даражада бўлиши ёки таъминотчилар билан ҳисоб–китобларнинг кечикиши туфайли юзага келади.

Шунинг учун дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб–китоб тизимини ислоҳ қилиш қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Дебиторлардан қарзларни тезроқ ундириш учун сиёсатларни кучайтириш.

- Тўлов шартларини қайта кўриб чиқиш–таъминотчилар билан шартномаларда тўлов муддатларини узайтириш.

### **3. Таъминот ва ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш.**

Ишлаб чиқариш жараёнида ресурсларнинг самарали фойдаланилишини таъминлаш айланма маблағларнинг тежалишига олиб келади. Бунда корхона қуйидаги чораларни қўллаши мумкин:

- Захираларни камайтириш – захиралар ортиғи корхона айланма маблағларини “музлатиб қўяди”, шунинг учун захираларни минимал даражада ушлашга ҳаракат қилиш керак.

- Ишлаб чиқариш жараёнларини қайта кўриб чиқиш – самарадорликни ошириш ва чиқиндиларни камайтириш йўллари топиш.

### **4. Қарз молиялаштирилишини такомиллаштириш.**

Корхона жорий айланма маблағлар танқислигини енгиб ўтиш учун банк кредитлари ва бошқа молиялаштириш манбаларидан фойдаланиши мумкин. Бироқ, қарзларнинг фоиз ставкалари ва шартлари диққат билан кўриб чиқилиши керак. Қарз маблағларидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- Мақсадли молиялаштириш–қарз маблағлари аниқ мақсадлар учун сарфланиши лозим.

- Фоиз ставкаларини тушуриш–энг мақбул ва паст фоизли молиялаштиришни танлаш.

### **5. Сармояларни жалб қилиш ва диверсификация қилиш.**

Корхона сармоядорлардан тўғридан–тўғри сармоя ёки акцияларни сотиш орқали маблағ жалб қилиш мумкин. Бу усул корхонанинг қарзга ботмасдан маблағ манбаларини ошириш имконини беради. Шунингдек, сармояларни диверсификация қилиш орқали ҳам корхона молиявий барқарорлигини таъминлаши мумкин.

Инвестициялар ёки кредитлар каби турли молиявий манбаларни жалб қилиш бизнесга қўшимча айланма маблағларни жалб қилиш имконини беради.

**6. Ташқи ёрдам ва давлат дастурлари.** Кўпинча давлат ва халқаро ташкилотлар кичик бизнес субъектлари учун турли грантлар, субсидиялар ёки имтиёзли кредитлар таклиф қилади. Бундай дастурларда иштирок этиш орқали ҳам корхона ўз айланма маблағларини тўлдириши ва танқисликни енгиб ўтиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида айланма маблағларнинг танқислигини енгиб ўтиш учун корхона самарали молиявий бошқарув, дебиторлар билан ҳисоб–китоблар тизимини ислоҳ қилиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва зарур ҳолларда қўшимча молиялаштиришни қўллаш каби чораларни қўллаши лозим. Ташқи сармоя ва давлат дастурларидан фойдаланиш ҳам айланма маблағлар танқислигини енгиб ўтишда самарали бўлиши мумкин.

Кичик бизнес субъектлари айланма маблағлар танқислигига дуч келганда, уларнинг асосий мақсади молиявий барқарорликни таъминлашдир. Бунинг учун молиявий режалаштиришни яхшилаш, дебиторлик қарзларини назорат қилиш ва қўшимча молиявий манбаларни жалб қилиш каби чораларни қўллаш мумкин. Ўзбекистон шароитида давлат томонидан кўрсатилаётган имтиёзлар ва кредит дастурлари кичик бизнес субъектларига катта ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, айланма маблағларнинг танқислиги кичик бизнес субъектлари учун жиддий молиявий муаммо ҳисобланади. Чунки бу уларнинг самарали фаолияти ва ривожланишини чеклайди. Мазкур мақоламизда айланма маблағлар танқислигини енгиб ўтишнинг турли стратегиялари таҳлил қилинди. Маблағларни самарали тақсимлаш, маблағ айланишини тезлаштириш, кредит ва ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятлари муҳокама қилинди. Кичик бизнес субъектлари учун молиявий режалаштириш ва бдюжетлаштиришни кучайтириш орқали тўғри молиявий қарорлар қабул қилиш муҳим экани таъкидланди. Айланма маблағлар танқислигини енгиб ўтиш учун комплекс ёндашув талаб қилинади ва бу кичик

бизнес субъектларига ўз самарадорлигини оширишга, бозорда рақобатбардошликни сақлашга ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Э.Х.Махмудов “Корхона иқтисодиёти”. – Тошкент: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти”, 2004 й.
2. Тожибоева Ш.А. Молиявий таҳлил-2. Ўқув кўлланма. –Т.: Инновацион ривожланиш, 2022.
3. А.Вохобов, А.Иброхимов, Н.Ишонқулов, “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. – Тошкент: “Шарқ” Нашриёт – матбаа АК, 2005й.
4. Хасанов Б.А.ва бошқалар. Молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт, 2019.
5. Тожибоева Ш.А. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолати таҳлили. Ўқув кўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2019.
6. Разиньков П.И., Максимова А.Д. Ключевые направления эффективного управления капиталом предприятия. “Theoria: педагогика, экономика, право”. 2021. № 4(5). С. 135-141.
7. Бурханов А.У., Ҳамдамов О.Н. “Молиявий менежмент”. Дарслик. - Тошкент : Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020й.

### Веб сайтлар

8. ERP-Gründerkredit дастури ва кичик бизнес учун молиялаштириш хизматлари ҳақидаги маълумотлар. **KfW bank group расмий веб – сайти:** [www.kfw.de](http://www.kfw.de)
9. South Korean export – import bank расмий веб-сайти: [www.koreaexim.go.kr](http://www.koreaexim.go.kr)
10. Small Business Administration (SBA) расмий веб-сайти: [www.sba.gov](http://www.sba.gov)
11. Халқаро молиявий ташкилотлар ва иқтисодий институтларнинг тадқиқотлари ва материалларидан фойдаланилган сайтлар: [www.imf.org](http://www.imf.org), [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org), [www.oecd.org](http://www.oecd.org), [www.ebrd.org](http://www.ebrd.org)